



AKSIYADORLARNING YILLIK UMUMIY YIG'ILISHINING 01/2023 - sonli BAYONNOMASI

Манзили "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ биноси,
Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 3

2023 йил 27 июнь
иш вақти 10.00-14.00

Банк Кенгаши томонидан 2023 йил 30 майда Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунлари ҳамда "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Уставига биноан, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш тўғрисида 2022/14-сонли қарори қабул қилинган.

2023 йил 31 май ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан банк акциядорларига умумий йиғилиш ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисида хабар "Тошкент" РФБ, Корпоратив ахборот ягона портали, банкнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилган ҳамда акциядорларнинг электрон почта манзилига юборилган. Шу билан бирга мазкур хабар мамлакатимизнинг "Халқ сўзи" марказий рўзномасининг жорий йил 1 июндаги 111(8454)-сониди, "Народное слово" марказий рўзномасининг жорий йил 1 июндаги 111(8412)-сониди ҳамда "Биржа" иқтисодий газетасининг жорий йил 1 июндаги 41(3028)-сониди чоп этилган.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 61-моддасига ҳамда Банк Кенгашининг қарорига биноан, Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2023 йил 21 июнь деб белгиланди. Мазкур санага шакллантирилган акциядорлар реестрида амалдаги қонунчиликка асосан фақат оддий акция эгалари йиғилишда овоз бериш ҳуқуқига эга.

2023 йил 21 июнь ҳолатига Банкнинг Устав капитали 4.634.513.904.398 (тўрт триллион олти юз ўттиз тўрт миллиард беш юз ўн уч миллион тўққиз юз тўрт минг уч юз тўқсон саккиз) сўмни ташкил қилади ва у қуйидаги акцияларга бўлинган:

- умумий қиймати 4.627.483.904.398 (тўрт триллион олти юз йигирма етти миллиард тўрт юз саксон уч миллион тўққиз юз тўрт минг уч юз тўқсон саккиз) сўм бўлган номинал қиймати 19 (ўн тўққиз) сўмлик 243.551.784.442 (икки юз қирқ уч миллиард беш юз элик бир миллион етти юз саксон тўрт минг тўрт юз қирқ икки) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

- умумий қиймати 7.030.000.000 (етти миллиард ўттиз миллион) сўм бўлган номинал қиймати 19 (ун тўққиз) сўмлик 370.000.000 (уч юз етмиш миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (кворум тўпланганлиги) бўйича сўз Санок комиссиясининг раиси Дилшод Абдукадировга берилди. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларининг реестрига кўра, 2023 йил 21 июнь ҳолатига йиллик умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 243.551.784.442 (икки юз қирқ уч миллиард беш юз эллик бир миллион етти юз саксон тўрт минг тўрт юз қирқ икки) дона оддий акциялар эгаси бўлган 6 968та (олти минг тўққиз юз олти саккизта) акциядор киритилган.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Санок комиссиясининг ҳисоботига асосан, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларининг реестрига кўра, 2023 йил 21 июнь ҳолатига Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 243.551.784.442 (икки юз қирқ уч миллиард беш юз эллик бир миллион етти юз саксон тўрт минг тўрт юз қирқ икки) дона оддий акциялар эгаси бўлган 6 968та юридик ва жисмоний шахс – акциядор киритилган.

Йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 232.095.118.602 (икки юз ўттиз икки миллиард тўқсон беш миллион бир юз ўн саккиз минг олти юз икки) дона ёки 95,3 фоизига эгаллик қилувчи 3 (уч) нафар акциядор ва акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

Санок комиссияси баённомаси, акциядорлар ва уларнинг вакиллари рўйхати, Санок комиссияси маълумотномаси матни шлова қилинади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларининг 2022 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун Банк Кенгаши Раиси ўринбосари – У.Мухтаров йиғилиш Раиси этиб сайланди.

Йиғилиш Раиси – У.Мухтаров банк акциядорларининг йиллик Умумий йиғилишини очик деб эълон қилди. Йиғилишда банкнинг йирик акциядори вакили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари А.Абдукадиров, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ижрочи директори – У.Мухтаров, бошқа акциядорлар ҳамда Банкнинг Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари А.Акбаржонов, ўринбосарлари Ш.Гульгураев ва Ф.Абдурахмонов, банк департаментларининг раҳбарлари иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг Ишчи органлари куйидаги таркибда тузилди:

Йиғилиш хайъати: У.Мухтаров (йиғилишга Раислик килувчи), А.Абдукадиров, А.Акбаржонов.

Санок комиссияси: Д.Абдукадиров, Х.Умаров, З.Баймурадова.

Йиғилиш котибияти: Х.Сатторов.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига куйидаги масалалар киритилган:

1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг 2022 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда банкнинг ривожлантириш стратегиясини бажарилиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш.

2. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ 2022 йилда фаолиятининг натижаларга кўра ички аудитнинг ҳулосасини эшитиш.

3. Банкнинг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Банк фойдасини тақсимлаш ва ҳар бир Кенгаш аъзосига корпоратив йил учун туланадиган мукофот ва компенсациянинг энг юқори миқдорини белгилаш.

5. 2022-2023 корпоратив йилида Банк Кенгашининг ўз ўзини ҳамда ҳар бир Кенгаш аъзосини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

6. Банкда корпоратив бошқарув тизимини 2022 йил якунларига кўра ўтказилган халқаро (KPMG) мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

7. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини тузиш / узайтириш тўғрисида.

8. 2023 молия йили бўйича Банкда ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун ташқи аудитор ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига туланадиган энг қўп ҳақ миқдорини белгилаш.

9. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ нодавлат акциядорларнинг ҳуқуқларини тенглигига риоя қилиш бўйича қўлланмани тасдиқлаш.

10. 2022 йил 24 июндаги Банк акциядорлари йиллик Умумий йиғилишининг 31-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон саноат қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки уставига (янги таҳрирда) ўзгартиришлар киритишни тасдиқлаш.

11. 2021 йил 30 декабрдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 03/2021-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон саноат қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги регламентга ўзгартиришлар киритишни тасдиқлаш.

12. 2020 йил 28 майдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 01/2020-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон саноат қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

13. 2019 йил 28 июндаги Банк акциядорлари йиллик Умумий йиғилишининг 31-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон саноат

қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки Бошқаруви тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

14. 2014 йил 13 июндаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 31-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон саноат қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки Тафтиш комиссия тўғрисидаги низомини (янги тахрирда), шунингдек унга қилинган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни бекор қилиш.

15. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсация тўлаш тўғрисида Низомини тасдиқлаш.

16. 2021 йил 30 декабрдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 03/2021-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши аъзолари ва Тафтиш комиссия аъзоларига мукофот ва компенсация тўлаш тўғрисидаги Низомини бекор қилиш.

17. 2021 йил 28 майдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 01/2021-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Корпоратив бошқарув кодексига киритиладиган ўзгартиришларни тасдиқлаш.

18. 2019 йил 11 майдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 03/2019-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Корпоратив бошқарув қоидаларига киритиладиган ўзгартиришларни тасдиқлаш.

19. 2021 йил 28 майдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 01/2021-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ 2021-2023 йилларда ривожланиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичларига киритиладиган ўзгартиришларни тасдиқлаш.

20. Банк томонидан “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” (95413 ва 91501) ҳисоб варағига ўтказилган ва 5 йилдан ўтган умидсиз кредитлар бўйича қарздорликларни тўлиқ ҳисобдан чиқариш.

21. Банк устав капиталига конвертация қилинадиган Осиё ривожланиш банкнининг 50 млн. АКШ доллари миллий валюта сум эквивалентидаги кредит линиясини жалб қилиш тўғрисида.

Умумий йиғилишни иш тартиби қуйидагича белгилаб олинди:

- Банк Кенгаши ва Бошқарувининг 2022 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда банкнинг ривожлантириш стратегиясини бажарилиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш - 15 дақиқагача вақт бериш;
- Кун тартибидаги бошқа масалалари бўйича маърузачиларига 10 дақиқагача;
- Маърузалар бўйича муҳокамага - 10 дақиқагача;
- Кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 60 дақиқагача;
- Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш учун - 10 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

Йиғилиш Раиси У.Мухтаров кун тартибидаги биринчи масала бўйича ҳисоботини намойиш қилишдан олдин йиғилиш қатнашчиларга ҳисобот

йилида мамлакатимизда молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш, банк ва мижозлар орасида ўзаро ишончли ва манфаатли муносабатларни шакллантириш, банкларни том маънода тадбиркорларнинг кўмакчисисига, елкадошига айлантириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва асосийси янги иш ўринлари ташкил қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш борасида олиб борилаётган фаол сиёсат – тижорат банкларни янада ривожланишига, молиявий барқарорлиги мустаҳкамланишига, молия бозорида кучли рақобат муҳитини юзага келишига шароит яратилганини таъкидлаб ўтди.

Банклар томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнлари билан боғлиқ тартиб-қоидаларни юмшатилиши, банкларга бу борада эркинликлар берилиши, халқаро стандартлар асосида бизнес жараёнларни такомиллаштирилиши, хизматларни рақамли технологиялар ёрдамида онлайн тарзда кўрсатиш имкониятларини кенгайтирилиши, ахборот тизимлари ва инфрагузилмаларни модернизацияланиши, халқаро тажрибада кенг қўлланилаётган дастурий тизимларни сотиб олиш ва жорий қилиш, халқаро капитал бозорларидан тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича яратилаётган имкониятлар – банкларда хизмат кўрсатиш сифатини ортиши, маҳсулот ва хизмат турларини кенгайтириш, тадбиркорлар ва аҳоли бир вақтнинг ўзида бир нечта банкларни хизматларидан фойдаланишлари учун қулай имкониятларни юзага келтирди.

Ҳисобот йилида Халқаро молия корпорацияси билан 8 та йўналишда, жумладан чакана бизнес, кичик ва ўрта бизнес, филиал тармоқларини бошқариш, IT, стратегия, транзакцион банкинг, рискларни бошқариш, green banking йўналишларида трансформация ишлари давом эттирилди.

Ҳисобот йилида Ўзсаноатқурилишбанкнинг мутахассислари Халқаро молия корпорациясининг тажрибали экспертлари билан яқиндан ҳамкорликда трансформациянинг учинчи босқичи муваффақиятли якунланди.

Банкни хусусийлаштириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг банкни Халқаро молия корпорацияси иштирокида хусусийлаштириш ва трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 мартдаги 161-сонли қарорига кўра Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё тараққиёт банки асосий стратегик инвесторлар сифатида белгиланган.

2022 йилда Халқаро молия корпорациясидан 75 млн. АҚШ доллар ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банкidan 50 млн. АҚШ доллар банк акцияларига конвертация қилинувчи кредит линиялари жалб қилинди. Мазкур кредит линиялари кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Банкнинг ривожлантириш стратегиясида белгиланган мақсадлар асосида лойиҳаларни молиялаштиришда уларнинг ижтимоий ва

иқтисодий самарадорлигига эътибор қаратилди. Хусусан, банкда йирик лойиҳаларни молиялаштириш ҳисобига 18,9 мингдан зиёд ишчи ўринлари яратилди.

Кредит қарздорликлари бўйича 2022 йилда қўшимча 469 млрд.сўм эҳтимолӣ йўқотишларга қарши махсус заҳиралар ташкил қилиниб, шунга қарамадан барча имкониятлардан самарали фойдаланиш, бошқа харажатларни қисқартириш, активларни даромадлилик даражасини ошириш ҳисобига 589 млрд.сўм соф фойда олишга эришилди.

Кўн тартибидаги биринчи масала – “Банк Кенгаши ва Бошқарувининг 2022 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда банкнинг ривожлантириш стратегиясини бажарилиши бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботни эшитиш” масаласи юзасидан йиғилиш иштирокчиларига Банк Кенгаши ва Банк жамоаси томонидан 2022 йилда эришилган ютуқлар, амалга оширилган ишлар ҳамда келгусида банкни трансформация жараёни доирасида режалаштирилган ишлар ва истикболда эришиш учун белгиланган молиявий кўрсаткичлари бўйича видеолавҳа намойиш этилди. Йиғилиш Раиси У.Мухтаров Банк Кенгаши томонидан мазкур ҳисобот тасдиқланганлигини таъкидлаб ўтиб, йиғилишда иштирок этган акциядор ва уларнинг вакилларини ушбу қарорни қўллаб-қувватлашни сўради.

Кўн тартибидаги иккинчи масала – ““Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ 2022 йилда фаолиятининг натижаларга кўра ички аудитнинг хулосасини эшитиш” масаласи бўйича Йиғилиш Раиси, шу билан бирга Банк Кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси раиси У.Мухтаров маъруза қилди. Маърузачи йиғилиш қатнашчиларига “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ 2022 йил молия хўжалик фаолиятини натижалари бўйича Аудит қўмитасининг ҳисоботини тақдим этган. Тақдимот жараёнида маърузачи Ички аудит хизматида амалдаги бизнес жараёнларини таҳлил қилиш, уларни самардорлигини ўрганиш, камчиликлар статистикасини юритган ҳолда тизимли камчиликларни аниқлаш йўлга қўйилган. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, тизимли камчиликларни бартараф этиш орқали уларнинг келгусида такрорланмаслик чораларни қўриш юзасидан таклиф ва тавсиялар киритиб келинган.

Ҳисобот даври мобойнида Ички аудит хизмати текширув натижалари бўйича чораклик ҳисоботларни банк Кенгаши ва унинг таркибидаги Аудиторлик Қўмитасига ўрнатилган тартибда киритилиши таъминланган. Мазкур ҳисоботлар Аудиторлик Қўмитаси ва банк Кенгаши йиғилишларида муҳокама қилинган.

Банк акциядорлари ва мижозларни манфаатларини ҳимоя қилиш ва банк активларни шаффофлигин, жумладан даромадлилигини таъминлаш мақсадида, банк томонидан, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва келгусида йўл

қўймаслик мақсадида, Банк Бошқаруви қўйидагиларга эътибор берилиши лозимлиги келтириб ўтилади:

- Банк Бошқаруви кредит портфели таркибидаги 01.01.2023 йил ҳолатига суд жараёнидаги ҳамда муддатлари ўтиб кетган жами 650,7 млрд.сўм миқдоридаги кредитларни тўлиқ ўндириш юзасидан кескин чоралар қўриш;

- Доимий равишда захираларни етрали миқдорда шаклантириб бориш ҳамда ҳаракатсиз кредитлар(NPL)ни камайтириш чораларни қўриб бориш (йил бошига NPLни 3 дан 2,3 пасайтириш);

- жорий йилнинг 1 январ ҳолатига балансдан чиқарилган ва ҳисоби банкнинг “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақларида юритилаётган муаммоли кредитларни ўндириш борасида ишларни кучайтириш орқали банкнинг даромадлилигини ошириш чораларни қўриш тавсия берилди.

Ҳисобот якунида ижобий маълумотларни келтирилди:

- 2022 йилда “Deloitte” аудиторлик ташкилоти томонидан Ички аудит хизмати фаолияти ташқи баҳолашдан ўтказилди. Баҳолаш натижаларига кўра Ўзсаноатқурилишбанк Ички аудит хизматининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Ички аудитга қўйилган талабларига мувофиқлиги 95% деб баҳоланган;

- 2022 йилда “KPMG” аудиторлик ташкилоти томонидан Корпоратив бошқарувни мустақил баҳолашдан хизмати фаолияти ташқи баҳолашдан ўтказилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг банк тизимида Ўзсаноатқурилишбанк биринчи бўлиб мустақил баҳолаш жараёнларини ўтказди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ 2022 йилда фаолиятининг натижаларга кўра ички аудитнинг хулосаси муҳокама қилиниб, уни тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди.

Кўн тартибидаги учинчи масала – “Банкнинг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш” масаласи бўйича йиғилиш Раиси 2022 йил фаолияти давомида Банк томонидан эришилган молиявий кўрсаткичлари юзасидан қисқача тўхталиб ўтди. (йиллик ҳисобот намунаси 3-иловада).

Кўн тартибидаги тўртинчи масала, бўйича йиғилиш Раиси У.Мухтаров банк Кенгаши томонидан жорий йил 30 майдаги йиғилишида қўриб чиқилган 2022 йилда олинган банкнинг соф фойдасини тақсимлаш бўйича банк Кенгаши томонидан тавсия этилган таклифи билан таништириб ўтди ва ушбу масала бўйича тавсиялар тарқатма материалларда келтирилганлигини маълум қилди. Соф фойдани тақсимлаш масаласи юзасидан банкнинг йирик акциядорлари Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги томонидан Марказий банк билан келишилганлигини маълум қилди.

2022 йил учун олинган 588.937.048.574,64 сўм миқдоридаги соф фойдани қуйидагича тақсимлаш бўйича таклиф берди:

- Умумий мақсадли захира фондига соф фойданинг 5%, яъни – 29.446.852.428,73 сўм;
- Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар тўлашга – 1.616.900.000,00 сўм;
- Банкнинг оддий акциялари бўйича дивидендлар тўлашга – 0 сўм;
- Фойданинг 10% миқдорида инновация фондига – 58.893.704.857,46 сўм;
- Тақсимланмаган фойда – 498.959.591.288,45 сўм.

Йиғилиш Раиси У.Мухтаров ушбу тақсимлаш алоҳида акциядорларнинг эътиборига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг амалий қонунчилига асосан жорий йилда оддий акциялар бўйича дивиденд тўламаслик талаби етказилди ва у бўйича тушунтириш берилди. Ушбу талабни қўйилишига банкнинг биринчи даражалик капитални етарлилиги кўрсаткичининг меъёрдан ошган ҳолда бажарилиши ҳамда банкнинг кредитлаш қобулиятининг оширилиши, шу билан бирга ҳукумат топшириқларига асосан йирик кредитлар ажратиш учун имконият яратилиши таъкидлаб ўтилди.

Банкнинг инновация фондини ташкил қилиш сабаблари ва истикболда фонд орқали жалб этилган маблағларни ишлатиш мақсадлари бўйича Банкнинг Бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий менеджмент департамент директори О.Воҳидовга сўз берилди. Фондни ташкил қилиш учун ҳукукий асоси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги 4433-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги қарори. Фондга жалб этилган маблағлари инновацион, амалий ва стартап лойиҳаларни молиялаштиришга, шу жумладан илмий-инновацион тадбирларга, илғор технологик ишланмаларни ишлаб чиқишга ишлатилиши кўзда тутилган. Бошқарув Раиси биринчи ўринбосари А.Ақбаржонов фондга йўналтирилган маблағларни янги стратегияси доирасида олинadиган компьютер ва сервер асбоб-ускуналарини ва амалий дастурларни сотиб олишга, банк бизнес-жараёнларни рақамлаштиришга ишлатилишини маълум қилди.

Кенгаш аъзоларига 2023-24 корпоратив йил учун тўланадиган мукофот ва компенсациянинг энг юқори миқдорини белгилаш, Банк Кенгашининг 2023 йил 30 майдаги 2023/14-сонли йиғилиш баённомаси билан дастлабки тарзда кўриб чиқилганлиги ва тасдиқланганлигини ҳамда ушбу масала бўйича тавсиялар таркатма материалларда келтирилганлигини маълум қилди.

Акциядорлардан соф фойдани тақсимлаш ва Кенгаш аъзоларига корпоратив йил учун тўланадиган мукофот ва компенсациянинг энг юқори миқдорини белгилаш бўйича таклифларни қўллаб қувватлаш сўралди.

Кун тартибидаги бешинчи масала, бўйича ҳисобот учун Кенгаш қошидаги Корпоратив маслаҳатчи К.Алимовга сўз берилди. Кенгаш аъзолари томонидан 5та йўналиш бўйича сўровномага жавоб берганларини ва баҳолаш натижалари йиғилиш материалларда тақдим этилганини маълум қилиб, Кенгаш аъзоларининг ўз-ўзини баҳолаш жихатлари бўйича қисқача тушунтириш берилди. Шу билан бирга баҳолаш натижаларга кўра Кенгаш аъзолари томонидан берилган таклиф ва тавсиялар билан ҳам таништириб ўтилди. Йиғилиш Раиси томонидан Банк Кенгашининг ўз ўзини ҳамда ҳар бир Кенгаш аъзоларини баҳолаш натижаларини инобатга олиш таклифи овозга қўйилди.

Кун тартибидаги олтинчи масала, бўйича ҳисобот учун Кенгаш қошидаги Корпоратив маслаҳатчи К.Алимовга сўз берилди. Маърузачи ўз нутқида Банкнинг Устави, Корпоратив кодекси ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши фаолиятни баҳолашни ўтказиш тўғрисида Низомнинг талабларига мувофиқ, шу билан бирга акциядорлик жамият фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида ҳолис баҳолаш ташкилоти томонидан текширувдан ўтказилиши белгиланганлигини маълум қилди. Бундан ташқари, банк ҳамкори ва потенциал стратегик инвестори Халқаро молия корпорацияси томонидан халқаро тажрибага эга бўлган мустақил баҳолаш ташкилоти томонидан банкнинг корпоратив тизимини баҳолашни тавсия этгани маълум қилинди.

Ушбу белгиланган талабларни бажариш мақсадида 2022 йил натижалари бўйича “KPMG” халқаро аудитор ташкилоти томонидан баҳолаш жараёни халқаро (ОСЕР) ва миллий стандартлар бўйича ўтказилди ва Банкнинг корпоратив бошқарув тизими етакчи халқаро тажрибаларнинг аксарият тавсияларига мос келиши ҳамда Банкнинг корпоратив бошқарув тизими мувофиқликнинг “Юқори” даражасини кўрсатди, яъни 95% (ўртача кўрсаткич 75%) ташкил этишини маълум қилинди. Йиғилиш Раиси томонидан ҳолис баҳолаш натижаларини инобатга олиш таклифи овозга қўйилди.

Кун тартибидаги еттинчи масала, бўйича Йиғилиш раиси У.Мухтаров тушунтириш бериб ўтди. 2022 йил давомида Банк фаолияти барқарор тарзда фаолият юритганлиги, Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Бизнес режада ўрнатилган барча молиявий кўрсаткичлар бажарилганлигини, меҳнат жамоаси томонидан ҳисобот йили давомида 588 937,05 млн.сўм соф фойда олишга эришилганини, Банк Бошқаруви томонидан трансформация жараёнларини фаол ва самарадорлик билан олиб борганини ва ушбу йўналишда салмоқли ютуқларга эришганини таъкидлаб ўтди.

Ҳисобот йилда амалга оширилган ишлар натижасида Банк:

- Green Finance Awards танловида “Йилнинг энг яхши яшил инвестицион банк”;

- халқаро Euromoney журнали томонидан ўтказилган танловда “Ўзбекистонда энг илғор банк”;

- халқаро Asiamoney журнали томонидан ўтказилган танловда “2021 йилнинг энг яхши банки” ва “Энг яхши ESG банки” сифатида эътироф этилди;

- “Энг барқарор ташкилот” ва “Йилнинг энг яхши иш берувчиси” сифатида Davinci 2022 мукофотиغا сазавор бўлди.

Банк рейтингини нуфузли “Standard&Poor’s” ва “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентликлари томонидан “BB-” даражасида, “Барқарор” прогнози билан тасдиқланди.

Банк Кенгашининг мажлисида Банк Бошқарув аъзолари:

1. Аннакличев Сахи Сапармухамедович, Бошқарув Раиси;

2. Акбаржонов Азиз Акбаржон ўғли, Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари;

3. Эргашев Анваржон Абдумажитович, Бошқарув Раиси ўринбосари;

4. Якубов Шухрат Исроилович, Бошқарув Раиси ўринбосари;

5. Гултураев Шохпур Негматуллаевич, Бошқарув Раиси ўринбосари;

6. Норхужаев Бахриддин Нуритдинович, Юридик департамент директори

7. Вохидов Ойбек Розикович, Бош бухгалтер - Бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий менеджмент департаменти директори;

8. Акбаров Хикмат Ғайратович - Риск Бош директори;

9. Вакант, Бошқарув Раиси ўринбосари

билан тузилган меҳнат шартномаларини узайтириш масаласи дастлабки тарзда ижобий қўриб чиқилганлигини инобатга олиб, Банк бошқаруви билан тузилган шартнома узайтирилиши масаласи овозга қўйилди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала, бўйича маълумот бериш учун Банкнинг Бош бухгалтери О.Вохидовга сўз берилди. Маърузачи ўз нутқида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтди.

Мазкур талабларни инобатга олган ҳолда, Банк томонидан чиқарилган ва 2019 йил 28 ноябрда тасдиқланган еврооблигацияларининг эмиссия рисоласига мувофиқ, банкнинг йиллик ва ярим йиллик молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувини ўтказиш шарти билан тақдим этилиши кўзда тутилган.

Тендерда иштирок этиш учун “Deloitte & Touche” МЧЖ (*Қушилган киймат солигисиз, 231 172,77 АҚШ долларнинг эквивалент сўмда*) ва “Pricewaterhousecoopers” МЧЖ (*Қушилган киймат солигисиз, 220 000,12 АҚШ долларнинг эквивалент сўмда*)

ташкilotлари томонидан танлов талабларига мос келадиган тижорат таклифлари келиб тушган. Банкнинг харидлар бўйича комиссияси томонидан, 2023 йил 18 майдаги қарорига мувофиқ “Pricewaterhousecoopers” МЧЖ томонидан берилган 220 000,12 АҚШ долларнинг эквивалент сўмда (*Қўшилган қиймат солиғисиз*) миқдоридаги таклифи нарх ва сифат жиҳатдан мақбул деб топилган. Ушбу қарорни тасдиқлаш тўғрисида таклифи овозга қўйилди.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала, бўйича тушунтириш бериш учун банкнинг Кенгаш қошидаги Корпоратив маслаҳатчи К.Алимовга сўз берилди. Ўз нутқида маърузачи Банкнинг корпоратив бошқарув тизимини кейинги ривожлантириш режасига мувофиқ, замонавий корпоратив бошқарув усуллари ва тегишли ички меъёрий ҳужжатларини босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилганини таъкидлаб ўтди.

Ушбу режани бажариш ва Банкда корпоратив бошқарув тизимининг ташкил этилишини халқаро амалиётига мувофиқлаштириш, ҳамда ички меъёрий ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ўйғунлаштириш мақсадида, охириги маъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг нодавлат акциядорлари ҳуқуқлари тенглигига риоя қилиш бўйича Қўлланма” Банк акциядорларининг умумий йиғилишига муҳокама қилиш ва тасдиқлаш учун киритилди. Ушбу лойиҳа Банк Кенгаши томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилган ва тасдиқланган (“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгашининг 2022 йил 3 октябрдаги 2022/21-сонли қарори баённомаси). Ушбу Қўлланмада нодавлат ва миноритар Банк акциядорлари томонидан ўз ҳақ ва ҳуқуқларидан фойдаланиш механизми ва Банк Кенгашига ўз вакилини киритиш тартиби кўрсатиб берилган.

Баён этилганларни инобатга олиб, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг нодавлат акциядорлари ҳуқуқлари тенглигига риоя қилиш бўйича Қўлланма”ни тасдиқлаш тўғрисида таклифи овозга қўйилди.

Кун тартибидаги ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн учинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи, ўн олтинчи, ўн еттинчи ва ўн саккизинчи масалалари, бўйича маълумот бериш учун Юридик департамент директори ўринбосари О.Сулаймоновга сўз берилди. Ўз нутқида маърузачи охириги йилларда амалдаги қонунчиликка давлат иштирокидаги корхоналарда ва давлат улуши 50% ва ундан ортиқ бўлган тижорат банкларида корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этишга, ҳамда уларнинг фаолиятининг ошқорлигини таъминлашга оид бир қатор ўзгартиришлар киритилганини таъкидлаб ўтди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 29.03.2022 йилдаги ЎРҚ-760-сонли “Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни қабул қилиши муносабати билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг

хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонунига баъзи ўзгартиришлар киритилган. Бунда ЎРҚ-760-сонли Қонундаги асосий ўзгартиришлардан бири акциядорлик жамиятларида ихтиёрий равишда Тафтиш комиссияси тузилишига оид. Жумладан, агар аввал 107-моддасида мажбурий тартибда Тафтиш комиссия бўлиши кўзда тутилган бўлса, киритилган ўзгариш туфайли бундай комиссиянинг тузилиши ихтиёрий бўлиб қолди. Шу моносабатда, акцияларнинг йирик пакетига эгалик қилаётган ваколатли далаат органи томонидан *(Молия вазирлигининг 2022 йил 6 июндаги 02/29-36/943-сонли хати)* акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига Банкнинг Тафтиш комиссияси фаолиятини тугатиш тўғрисида таклиф киритилган. Баён этилганлар асосида, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан *(24.06.2022 йилдаги 01/2022- сонли қарори)* шу пайтда амал қилган Тафтиш комиссиясининг ваколатлари муддати тугаганидан кейин бекор қилинган, ва Тафтиш комиссиясининг янги таркиби сайланмаган. Бу ҳолатларни ҳисобга олиб, Тафтиш комиссияси тузилишини ва фаолиятини тартибга солувчи банкнинг ички меъёрий ҳужжатларнинг амал қилишини бекор қилиш зарурияти юзага келган *(Банкнинг Тафтиш комиссияси тўғрисида Низом, Банк Кенгаши аъзоларини ва Тафтиш комиссияси аъзоларига туланидиган ҳақлар ва коменсациялар тўғрисида Низом).*

Шу билан бирга қонунчиликдаги ушбу ўзгартиришларни Банк уставида ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларда ҳам акс эттириш лозим *(Банк акциядорлари умумий йиғилишини ўтказиш Регламенти, Банк Кенгаши тўғрисида Низом, Банкнинг Бошқаруви тўғрисида Низом, Банкнинг корпоратив бошқаруви Кодекси, Банкнинг корпоратив бошқарув Қоидалари).*

Баён этилганларни инобатга олиб, ҳамда қонунчиликда юз берган ўзгартиришларни ва янгиликларни Банк Уставида ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларида акс эттириш мақсадида, тақдим этилган ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида масала овозга қўйилди.

Кун тартибидagi ўн тўққизинчи масала. бўйича сўз Банкни стратегик ривожлантириш департаменти директори Ё.Султоновга берилди. Ўз нутқида маърузачи Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 декабрда қабул қилинган 778-сонли қарорига асосан Осиё тараққиёт банки(ОТБ)га Банкни хусусийлаштиришда иштирак этишга рухсат берилганини маълум қилди. Шу сабабли, ОТБнинг буюртмасига кўра KPMG халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан Банк кредит портфели сифати ва кредитларга заҳираларни яратилиш ҳолати ўрганиб чиқилган. Жумладан, 32 та давлат корхоналари ва 15 та хусусий корхоналар гуруҳларининг кредит қарзлари кўриб чиқилган. Ушбу кредитлар бўйича камида 1,4 трлн.сўм, стресс-тест услуби бўйича 2,2 трлн.сўм қўшимча заҳиралар яратиш зарурлиги тўғрисида хулоса берилган. Мазкур хулосадан келиб чиқиб, кредит қарздорликлари бўйича қўшимча заҳиралар ташкил қилиниши Банкнинг соф фойдасини камайишига ва рентабеллик кўрсаткичларини ўзгаришига сабаб бўлди. Шунингдек, Бан Бошқарувининг 2022 йил 1 апрелдаги 39/4-сонли қарорига кўра миқозларни сегментларга

ажратиш тартиби ўзгарганлиги, активларни, жумладан кредит қўйилмаларини бизнес йўналишлар бўйича тақсимотини ҳам ўзгаришига олиб келган.

Мазкур ҳолатларни ҳисобга олиб, Банк Кузатув кенгашининг 2022 йил 29 июндаги 2022/15-сонли йиғилиш баёнига асосан Банкнинг 2022 йилга мўлжалланган Бизнес-режасига ўзгартириш киритиш маъқулланган.

Шунга кўра, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2021-2023 йилларда ривожланиш стратегиясига киритиладиган ўзгартиришлар лойиҳаси ишлаб чиқилганини маълум қилди. Тарқатма материалларда келтирилган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2021-2023 йилларда ривожланиш стратегиясига киритиладиган ўзгартиришлар лойиҳаси тасдиқлаш тўғрисида масаласи овозга қўйилди.

Кун тартибидаги йиғирманчи масала. бўйича Йиғилиш раиси У.Мухтаров тушунтириш бериб ўтди. “Тижорат банкларида активларни сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шанлантириш ҳамада улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 53-бандига мувофиқ, агар қарздор томонидан балансдан ташқари моддаларда ҳисобга олинадиган актив бўйича қарз тижорат банки томонидан ушбу қарзни ундириш бўйича қўрилган барча чора-тадбирларга қарамасдан, ушбу ҳисобварақларга ўтказилгандан кейин беш йил давомида тўланмаса, у ҳолда ушбу актив тижорат банки акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган қарорига кўра ҳисобдан чиқарилиши мумкинлиги белгиланган.

Ҳисобот йилда Банк Бошқарувининг қарорига асосан банк филиаллари томонидан балансдан ташқари ҳисоб варақдаги “умидсиз” деб таснифланган кредитлар ҳатловдан ўтказилиб, охириги беш йил давомида ундириш бўйича қўрилган барча чора-тадбирларга қарамасдан ундириш имкони бўлмаган кредитлар рўйхати тузилди. Шунда, 5 039,2 млн.сўмдан иборат бўлган жами 18 та қарздор мижозлар (шундан, асосий қарз 2 445,1 млн.сўм ва 2 594,1 млн.сўм фоиз) бўйича қарздорликларни ундириш имкони қолмаганлиги сабабли ишчи гуруҳ томонидан ўрганилган, Банк Бошқаркуви ва Банк Кенгаши томонидан мазкур қарздорликни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган (Банк кенгашининг 07.02.2023 йил 2023/02-сонли қарори).

Юқорида келтириб ўтилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда Банк томонидан “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” (95413 ва 91501) ҳисоб варағига ўтказилган ва 5 йилдан ўтган умидсиз кредитлар бўйича қарздорликларни тўлиқ ҳисобдан чиқариш Банк Бошқаркуви ва Банк Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди.

Кун тартибидаги йиғирманчи биринчи масала. бўйича суз Молия институтлари ва инвесторлар билан ишлаш департаменти директори

А.Палвановга берилди. Ўз нуткида маърузачи банкнинг Осиё тараққиёт банкнинг 50 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси жалб қилиш масаласи юзасидан ҳисобот берди.

Ўзсаноатқурилишбанк фаолиятини Халқаро молия институтлари иштирокида трансформация қилиш ва уни хусусийлаштириш борасида Президентнинг 2020 йил 12 майда ПФ-5992-сонли Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартда 161-сонли қарори қабул қилинганини таъкидлаб ўтиб, мазкур ҳужжатлар асосида банк томонидан Халқаро молия корпорациясининг (ХМК) 75 млн. АҚШ доллари ва Европа тикланиш ва тарққиёт банкнинг 50 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияларини очиш тўғрисида битим имзоланганини маълум қилди.

Шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтилган Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Осиё тараққиёт банки томонидан ажратиладиган кредитни тўлиқ ёки бир қисмини кейинчалик банк капиталига конвертация қилиш имконияти билан, 50 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очилиши тўғрисида битимни имзолаш режалаштирилганини ҳамда Кредитор томонидан акциядорларнинг битимни маъқуллаши сўралганлиги сабабли, якуний қарор қабул қилиш учун банк акциядорлари муҳокамасига киритилмоқда.

Ушбу кредит линиясининг жалб этилиши Банк учун ўзининг бозордаги позицияларини мустаҳкамлаш, 2021-2023 йиллар учун кичик ва ўрта бизнес сегментини ривожлантириш бўйича Стратегияда қўйилган мақсадларга эришиш ҳисобига, фойда олишни ва инвесторлар учун жозибadorлигини ошириш юзасидан қўшимча имкониятларни яратилишини маълум қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Банк томонидан Осиё тараққиёт банкнинг 50 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиясини банк капиталига конвертация қилиш имконияти билан жалб қилинишини қўллаб-қувватлаш масаласи овозга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлари ва хусусийлаштириш ва трансформация қилишга қаратилган қарорлар ва дастурларни бажаришда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг фаоллигини ошириш мақсадида, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиб, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг 2022 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда банкнинг ривожлантириш стратегиясини бажарилиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин *(1-илова,*

видеолавҳа). Банк Кенгаши ва Бошқарувининг фаолияти қониқарли деб топилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

2. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ 2022 йилда фаолиятининг натижаларга кўра ички аудитнинг хулосаси тасдиқлансин (2-илова).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

3. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин (3-илова).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

4. Банк Кенгаши тавсия этган банк фойдасини тақсимлаш тартиби тасдиқлансин. Тақсимланиши лозим бўлган 588 937 048 574,64 сўм фойда куйидагиларга йўналтирилсин:

- Умумий мақсадли захирани шакллантиришга – 29 446 852 428,73 сўм;
- Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар тўлашга – 1 616 900 000 сўм (1 дона акцияга 4,37 сум);
- Банкнинг оддий акциялари бўйича дивидендлар тўлашга – 0 сўм;
- Фойданинг 10% миқдорида Банкнинг инновация фондига – 58 893 704 857,46 сўм;
- Тақсимланмаган фойда – 498 959 591 288,45 сўм.

4.1. 2023 - 2024 корпоратив йилда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгашига сайланган бир аъзосига тақдирлаш ва компенсация харажатлари, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгашининг 2022 йил 30 майдаги 2023/14-сонли Қарори асосида белгилансин (4-илова).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

5. 2022-2023 корпоратив йилда Банк Кенгашининг ўз ўзини ҳамда ҳар бир Кенгаш аъзоларини баҳолаш натижалари инобатга олинсин (5-илова).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

6. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБда корпоратив бошқарув тизимини 2022 йил якунларига кўра ўтказилган халқаро (KPMG) мустақил баҳолаш натижалари инобатга олинсин (6-илова).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

7. Банк Бошқаруви Раиси ва Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномалари узайтирилсин:

т/р	Банк Бошқарув аъзоларининг фамилияси, исми ва шарифи. Эгаллаб турган лавозими	Тўпланган овозлар сони		
		ёқлайман	қаршиман	бетарафман
1.	Аннакличев Сахи Сапармухамедович. Бошқарув Раиси.	232 095 118 602		
2.	Акбаржонов Азиз Акбаржон ўғли. Бошқарув Раисининг 1-чи ўринбосари.	232 095 118 602		
3.	Эргашев Анваржон Абдумажитович. Бошқарув Раисининг ўринбосари.	232 095 118 602		
4.	Якубов Шухрат Исраилович. Бошқарув Раисининг ўринбосари.	232 095 118 602		
5.	Гултураев Шохпур Негматуллаевич. Бошқарув Раисининг ўринбосари.	232 095 118 602		
6.	Воҳидов Ойбек Розикович. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори - Бош бухгалтер.	232 095 118 602		
7.	Норхужаев Баҳритдин Нуритдинович. Юридик департаменти директори.	232 095 118 602		
8.	Акбаров Хикмат Ғайратович. Риск Бош директори.	232 095 118 602		
9.	ВАКАНТ Бошқарув Раисининг ўринбосари.			

8. 2022 молия йили бўйича банкда ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун “Pricewaterhousecoopers” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин, унга тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори 220 000,12 АҚШ доллари (сўм эквивалентида) (Қушилган киймат солиғисиз) белгилансин ва у билан шартнома тузилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

9. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ нодавлат акциядорларнинг ҳуқуқларини тенглигига риоя қилиш бўйича қўлланма тасдиқлансин (6-илова).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

10. 2022 йил 24 июндаги Банк акциядорлари йиллик Умумий йиғилишининг 01/2022-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон саноат қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки уставига (янги тахрирда) киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлансин *(7-илова)*.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

11. 2021 йил 30 декабрдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 03/2021-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон саноат қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги регламентига киритиладиган ўзгартиришлар тасдиқлансин *(8 илова)*.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

12. 2020 йил 10 мартдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 01/2020-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон саноат қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлансин *(9-илова)*.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

13. 2019 йил 28 июндаги Банк акциядорлари йиллик Умумий йиғилишининг 01/2019-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон саноат қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки Бошқаруви тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлансин *(10 илова)*.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

14. 2014 йил 13 июндаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 31-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон саноат қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки Тафтиш комиссия тўғрисидаги низомини (янги тахрирда), шунингдек унга қилинган ўзгартиришлар ва қўшимчалари бекор қилинсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

15. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсация тўлаш тўғрисида Низоми тасдиқлансин *(11-илова)*.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

16. 2021 йил 30 декабрдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 03/2021-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши аъзолари ва Тафтиш комиссия аъзоларига мукофот ва компенсация тўлаш тўғрисидаги Низоми бекор қилинсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 502 овоз, “қаршиман” – 100овоз, “бетарафман” – йўқ.

17. 2021 йил 28 майдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 01/2021-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Корпоратив бошқарув кодексига ўзгартиришлар тасдиқлансин *(12-илова)*.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

18. 2019 йил 11 октябрдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 03/2019-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Корпоратив бошқарув қоидаларига киритиладиган ўзгартиришлар тасдиқлансин *(13-илова)*.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

19. 2021 йил 28 майдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 01/2021-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ 2021-2023 йилларда ривожланиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичларига киритиладиган ўзгартиришлар тасдиқлансин *(14-илова)*.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

20. Банкнинг “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” (95413 ва 91501) ҳисобварақларига ўтказилган ва 5 йилдан ўтган умидсиз кредитлари бўйича

қарздорликларни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги Банк Кенгашининг 2023 йил 7 февралдаги 2023/02-сонли баённома қарори тасдиқлансин (15-илова).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

21. Осиё ривожланиш банкининг 50 млн. АҚШ доллари эквивалентидаги кредитини банк капиталига конвертация қилиш имконияти билан жалб қилиш масаласи маъқуллансин (16-илова).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 095 118 602 овоз

“ёқлайман” – 232 095 118 602 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Акциядорлари умумий йиғилиши Раиси:



У.Мухтаров

Акциядорлар умумий йиғилиши котиби



Х. Сагтаров

Корпоратив маслахатчи



К.Алимов

Саноқ комиссия



Д.Абдукадиров

Протокол расмийлаштириш санаси “10” июль 2023 йил.